



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO‘MITASI RAISING
B U Y R U G‘ I

2021 yil «30» 06

319 -son

**Давлат солиқ хизмати органларида
асосий фаолият йўналишлари бўйича
коррупцион хавф – хатарни аниқлаш,
баҳолаш ва бартараф этиш тўғрисида**

Халқаро ташкилотлар таклифлари ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида жаҳон тажрибаси, шу жумладан “ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандартининг талаб ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда давлат солиқ хизмати органлари ҳамда кўмита тасарруфидаги корхона ва таълим муассасаларида асосий фаолият йўналишлари бўйича коррупцион хавф – хатарни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини жорий этиш **мақсадида:**

1. Қуйидагилар:

Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияни олдини олиш бўйича чоралар кўрилишига қарамасдан, 2020 йилда 22 нафар ходимга нисбатан жиноят иши кўзғатилган бўлса, 2021 йилнинг ўтган 5 оyi давомида 20 та жиноят иши доирасида 17 нафар ходим, шундан, Жиноят кодексининг 210-моддаси (*пора олиш*) билан 2020 йилда 3 нафар, 2021 йилнинг ўтган 5 оyi давомида 4 нафар ходим жавобгарликка тортилганлиги;

коррупцион жиноятлар солиқ тўловчиларга чоралар кўрмаслик, яшириш, солиқларни ўзлаштириш, тушумларни шахсий ҳисобварақларга тўғри киритмаслик, фирибгарлик йўли билан моддий наф кўриш ва бошқа ҳолатлар замирида содир этилганлиги;

2020 йил ҳамда 2021 йил январь-май ойларида тизимда содир этилган жиноятлар сонидан келиб чиққан ҳолда инспекция раҳбарияти, Жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, Камерал солиқ текширувлари, Ҳисобни юритиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш, Сайёр солиқ текширувлари, Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш тузилмалари фаолиятида коррупцион хавф даражаси **юқорилиги тўғрисида Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати таркибий тузилмалари ва уларнинг қўйи бўлинмалари ҳамда қўмита тасаруфидаги ташкилот ва муассасалар фаолияти бўйича бир йил давомида содир этилган жиноятлар сонидан келиб чиққан ҳолда:

- “**юқори даражадаги коррупцион хавф**” (тузилмалар фаолияти бўйича содир этилган жиноятлар сони 2 та ва ундан ошганда);

- “**ўрта даражадаги коррупцион хавф**” (тузилмалар фаолияти бўйича содир этилган жиноятлар сони 1 та бўлса);

- “**минимал даражадаги коррупцион хавф**” (тузилмалар фаолияти бўйича жиноят содир этилмаган тақдирда) коррупцион хавфлар даражаси **3** поғонага ажратилсин.

3. Раис ўринбосари М.Махкамов, Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси (Ф.Аскарходжаев) зиммасига:

давлат солиқ хизмати органларида фаолият йўналишлари бўйича коррупцион хавфлар даражаси юқори бўлган тузилмаларни йилига 2 маротаба, ярим йиллик якуни билан 1 августга, келгуси йилнинг 1 февралига қадар аниқлаб, хавфларни баратараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан ҳолда Давлат солиқ қўмитаси Раисига киритиб бориш;

қўмита марказий аппарати ва унинг тузилмалари, қўмита тасаруфидаги корхона ва таълим муассасалари фаолияти бўйича инсон омили чекланмаган, коррупцион хавфлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган аниқ йўналишлар бўйича иловага мувофиқ рўйхатни шакллантириш вазифалари юклатилсин.

4. Давлат солиқ қўмитаси Раисининг 2020 йил 15 сентябрдаги 256-сон буйруғи билан ташкил этилган Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш учун ташкилий чора-тадбирларни кўриш бўйича **Махсус ишчи гуруҳи зиммасига** коррупцион хавфларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган манзилли чора-тадбирлар ижроси юзасидан назорат тадбирларини олиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Раис ўринбосари М.Махкамов, Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси (Ф.Аскарходжаев), Инсон ресурсларини ривожлантириш департаменти (У.Имамназаров) зиммасига коррупцион хавфларни аниқлаш натижалари бўйича хатарлилик даражаси юқори бўлган тузилма раҳбарларига нисбатан тегишли чораларини кўриш, лозим ҳолларда улар билан тузилган меҳнат шартномаларини белгиланган тартибда бекор қилиш юзасидан таклифлар киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Марказий аппарат таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ҳамда Йирик солиқ тўловчилар буйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, қўмита тасарруфидаги корхона ва таълим муассасалари раҳбарлари Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ҳамда Махсус ишчи гуруҳи томонидан талаб этиладиган ҳужжатлар, маълумотлар ва ҳисоботларни тақдим этилишини, баҳолаш натижаси бўйича коррупцион хавфларни бартараф этиш юзасидан белгиланадиган чора-тадбирлар режаси ижросини тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминласин.

7. Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси (Ф.Аскарходжаев) – бир кун муддатда мазкур буйрукни “Ички идоравий ҳужжатлар” электрон ахборот тизими маълумотлар базасига жойлаштирасин.

8. Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси (Э.Жураев) - ушбу буйрук бир кун муддатда марказий аппарат таркибий тузилмалари, барча ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари, Кадастр агентлиги ҳамда қўмита тасарруфидаги корхона ва таълим муассасаларга етказилиши таъминлансин.

9. Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 23 октябрдаги “Давлат солиқ хизмати органларида асосий фаолият йўналишлари бўйича коррупцион хавфларни баҳолаш ва индикаторларни аниқлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 278-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур буйрук ижросини назорат қилиш раис ўринбосарлари зиммаларига юклансин.

Раис



Ш.Кудбиев

Давлат солиқ кўмитасининг
2021 йил “30” июндаги
319-сон буйруғига
Илова

Давлат солиқ хизмати органлари фаолият йўналишлари бўйича инсон омили чекланмаган,
коррупцион хавфлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган аниқ йўналишлар

РЎЙХАТИ

№	Тузилма номи	Солиқ тизимидаги бўғини	Фаолият йўналиши	Кўрилган чоралар
1.				
2.				
3.				
...				